

---

Ҳайит маҳалла фуқаролар йиғинида 250 га яқин хонадон сал кам 2 км. тармоқ тортиш ҳисобига тоза ичимлик суви билан таъминланади 1-сектор ҳудудидаги "Ҳайит" маҳалла фуқаролар йиғини, Аҳил, Гулзор, Файз ва Саховат кўчаларида маҳаллабай ўрганишлар давомида тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёж аниқланган.

Туман раҳбари ташаббуси билан 600 метр, кўчабошилар, ташаббускор аҳоли ҳашар йўли билан 1.3 км. ичимлик суви тармоғи тортиш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ туман филиали томонидан Аҳил кўчасида 2 та сув қудуғи қозиш, янги сув насос ўрнатиш ишлари режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу эзгу ишлари натижасида Хайит маҳалла фуқаролар йиғинидаги 249 та хонадонда яшовчи 1390 нафарга яқин аҳоли вакиллари тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Албатта бу каби эзгу ишлар маҳалла аҳлинининг иноқлигидан далолат беради.

2022-09-13 15:21:36